

ZOOVETERINARIYA

Илмий-оммабор  jurnal

2015
2
февраль
ISSN 2091-554-3

3-бет

Давоматнинг
давosi борми?

5-бет

Тўл мавсумига
тайёرمىсиз?

15-бет

Кетонурия

24-бет

Стронгилятоз
нима?

27-бет

Сил – хавфли
касаллик

30-бет

Қишловда
бузоқларга
сут беринг

38-бет

Парранда
семирсин
десангиз

40-бет

Пилла –
кони фойда

Хукуматимизнинг бевосита раҳбарлигида фидойи кишилару чорвадорларнинг ғайрати, шижоати билан ўтган ёз қишловга жиддий тайёрганлик кўрилгани бугун йирик чорвачилик фермаларидан тортиб олис-олисларда жойлашган қоракўлчилик хўжаликларига қадар, барча жойда қишловни беталофат ўтказишга имкон бермоқда. Наслчилик ишларидаги ютуқлар, озиқа таъминоти ҳамда ветеринария соҳаси мутасаддиларининг ташаббускорлиги ҳам қишлоқ аҳлини қувонтирмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарларининг чорва қатори, паррандаю асаларичилик, балиқчиликка қўл ураётганини айтмайсиз. Демак, келгусида нашримиз муштарийлари янада кўпаяди. Чунки биз худди шу тармоқлар истиқболини кўзлаб залворли мақолалар, илмий таъсияларни мунтазам чоп этаяпмиз...

Шу муаззам, ёруғ кунларда юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашидан руҳланиб, катта ишларга қўл ураётган барча ташаббускор кишиларга омадлар тилаймиз. Ғайратингиз жўшаверсин, азиз дўстлар.



Б.Д.Нарзиев в.ф.н., М.Э.Турсунов, магистрант, СамҚХИ.
Н.Б.Нарзиев, Самарқанд кишлок хўжалик коллежи талабаси

ИТЛАРДА КЕСАРЕВ КЕСИМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЧОКЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

Аннотация

В статье приведены данные о применении кесарева сечения у собак при патологии родовспоможения, а также приведена сравнительная оценка способов наложения швов и шовного материала для закрытия раны.

Ключевые слова: матка, кесарево сечение, рана, шов, шовный материал, кетгут, шёлк.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳайвонларда кесарев кесим охириги йилларда хомиладор ҳайвонлар, айниқса ит ва мушукларнинг туғишига ёрдам кўрсатиш мақсадида олиб борилади. Итларда туғруқ патологиясидан ташқари итларнинг жинсий органларини анатомио-топографик тузилиши, операция ўтказишга кўрсатма бўлиб ҳисобланади (А.С.Кашин, 2001, Л.В.Медведева, 2004). Бу операцияни ўтказиш жараёнида жаррохлар олдида бачадонда чок қўйиш натижасида ҳосил бўладиган чандикни оптималлаштириш, операциянинг натижасини аниқлаш ва уни кейинчалик яна хомиладорликка таъсирини ўрганиш муаммолари ётади. Чандикни сифатли ҳосил бўлиши бачадондаги жароҳат чоклаш усули ва чоклаш материалларининг сифатига боғлиқ.

Анъанавий бачадон жароҳатини ёпиш учун медицина ва ветеринария амалиётида икки ва уч қаватли чокларни қўллаш билан кифояланади. Бу усулларнинг камчилиги шундан иборатки, тўқималарга кўп миқдорда чоклаш материали ишлатилади, бу эса кўпол, деформацияга учраган чандик ҳосил бўлиши билан шу ердаги тўқималарда қон айланишининг бузилиши ва регенерация жараёнларини кечилишига олиб келади (Л.П.Троянская, 1985).

Охириги йилларда чоклаш усулларини такомиллаштириш тенденцияси кузатишмоқда ва шу билан биргаликда замонавий чоклаш материалларини қўллаш тақлиф қилинмоқда. Бу эса операциядан кейинги асоратларни олдини олиш учун етакчи усул бўлиб ҳисобланади.

Текширишларни олиб боришдан мақсад, итларда кесарева кесим ўтказишда бачадоннинг морфологик ва топографик тузилиши асосида қўлланиладиган чоклаш материаллари ва усулларини қиёсий баҳолаш.

Материал ва услублар.

Текширишлар Самарқанд кишлок хўжалик институтининг “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармакология” кафедрасида олиб борилди.

Тажрибалар хомила патологияси ривожланган 9 та итда олиб борилди. Итлар ҳар бири 3 бошдан иборат 3 та гуруҳга бўлинди.

I тажриба гуруҳидаги итлар бачадоннинг жароҳатини бир қаватли Ламбер усули билан чоклаб, материал сифатида хромланган кетгут қўлланилди.

Summary

In this article are shown data about employed keserovo section of dogs on pathology obstetrics and also employed comparative value way overlay suture and suture materials for close wound.

II тажриба гуруҳидаги итларнинг жароҳати бир қаватли Ламбер усули билан чокланиб, материал сифатида 2-3 номерли ипак итлардан фойдаланилди.

III назорат гуруҳидаги итларнинг жароҳати анъанавий икки қаватли Шмиден, Ламбер чоки билан чокланиб, материал сифатида пахта иплари қўлланилди.

Тажрибалар ўтказиш жараёнида ҳайвонларнинг умумий клиник кўрсаткичлари (жароҳат, пульс, нафас олиши) текшириб турилди. Ҳар куни қорин деворидаги жароҳатнинг ҳолати, тўқималардаги шиши, жароҳат суюқлигининг ранги, хиди ва зичлиги аниқланди ва чандик ҳосил бўлиш жараёни кузатилди.

Операциянинг кейинги 11-21 кунда тажриба гуруҳидаги битта итда диагностик лапаротомия ўтказиб, бачадон жароҳатининг ҳолати, қўлланилган чоклаш материалга реакциясини ва ҳосил бўлган чандикнинг герметик ҳолати ва сифати аниқланди.

Итларда кесарев кесим ўтказиш техникаси

Фиксация. Итлар орқада ётган ҳолатида операция столига фиксация қилинади.

Оғриқсизлантириш. Умумий оғриқсизлантириш учун вена қон томирига 2,5 % аминазин ва кетамин эритмалари юборилади. Кесим чизиги бўйлаб 0,5 % новокаин эритмаси юборилади.

Асбоблар. Катта хирургик асбоблар тўпламидан фойдаланилади.

Чоклаш материаллари. Итларни бачадон жароҳатини ёпиш учун хромланган кетгут, 2-3 сонли ипак иплари, оқ рангдаги 40-10 сонли пахта иплари.

Операция техникаси

Операцияга тайёргарлик жараёни олиб борилгандан кейин кесарев кесим операцияси ўтказилади. Бунда қорин деворида киндикнинг пастки қисмида медиал кесим билан лапаротомия ўтказилади. Барча тўқималар кесилгандан кейин қорин бўшлиғидаги органларга йўл очилади. Кесарев кесимда ҳосил бўлган қорин деворидаги жароҳатдан бачадонни олдин ўнг тарафдаги шохи ташқарига чиқарилади ва салфетка устига қўйилади (1-расм). Бачадон шохининг бошланғич қисмида қон томирлар кам бўлган қисми топилади ва кесим ўтказилади. Кесимнинг узунлиги бачадон ичидаги хомиланинг катта-кичиклигига боғлиқ. Жароҳат орқали хомилалар осон чиқишини таъминлаш керак. Бачадондаги жароҳат орқали иккала шохдаги хомилалар чиқарилади. Шундан сўнг бачадондаги жароҳат ҳар хил усуллар ёрдамида чокланади.



1-расм. Бачадонни қорин бўшлиғидан чиқариш жараёни.

Биринчи тажриба гуруҳидаги итларнинг жароҳатига хромланган кетгут қўлланилиб, Ламбер усули билан бир қават қилиб узлуксиз чокланади. Ламбер усули билан чокланганда фақатгина бачадоннинг икки қавати чокланади, яъни игна сероз қавати томонидан санчилади, мускул қаватидан ўтиб, яна сероз қаватдан чиқарилади (2-расм). Бунда шиллик ва шиллик ости қавати тикилмайди, бунинг натижасида уларда қон айланиши бузилмайди, бу эса тўқималарни ёпишиш даражасини оширади ва кейинчалик тикланиш ва чандик ҳосил қилиш жараёни ижобий томонга йўналади. Ҳосил бўлган чандик нозик, ёпишқоқлик даражаси (спайка) паст, бунга кетгут таркибидаги хром ўз таъсирини ўтказди.



2-расм. Бачадон жароҳатини Ламбер усулида хромланган кетгут билан бир қаватли чоклаш.

Иккинчи гуруҳидаги итларни бачадон жароҳати табиий ипак иплар билан Ламбер усулида чокланади (3-расм). Ипак ип чоклаш учун ишлатилганда чандик ҳосил бўлиши 1-3 кунга кечикади. Чандик нисбатан кўпол, ёпишиш даражаси юқори.



3-расм. Қорин девори жароҳатини чоклаш.

Учинчи назорат гуруҳидаги итларни бачадон жароҳати анъанавий Шмиден, Ламбер усули билан чокланади. Чоклаш материали сифатида пахтадан тайёрланган иплар ишлатилди. Шмиден, Ламбер усули билан жароҳат чокланганда чандик кўпол, ёпишқоқлик даражаси (спайка) жуда юқори, бачадоннинг функцияси кўпгина ҳолларда бузилади ва пиеометрияга олиб келиши мумкин.

Бачадон жароҳати ёпишгандан кейин аста-секинлик билан қорин бўшлиғига туширилади, туширишдан олдин бачадоннинг тикилган жойига 1% ли синтомицин эмульсияси суртилади. Шундан сўнг қорин девори чокланади. Биринчи гуруҳидаги итларни жароҳати хромланган кетгут билан бириктирилади, иккинчи гуруҳидагилар ипак ип билан, учинчи гуруҳ пахтадан тайёрланган ип билан чокланиб, биринчи гуруҳидаги итларда яхши регенерация бўлиб чандик ҳосил бўлади. Қолган гуруҳидаги итларнинг жароҳати асоратланиб, лигатура окмалари ҳосил бўлади.

Хулосалар

1. Итларда кесарев кесимининг даволаш самардорлиги, операцияни якуний босқичида бачадон жароҳатини ёпишда қўлланиладиган чоклаш усули ва материалга боғлиқ.

2. Кесарев кесимда лапоратомия медиал кесим билан олиб борилиши, бачадонга кириб боришини осонлаштириш билан биргаликда жароҳатни битишини ва сифатли чандик ҳосил бўлишини таъминлайди.

3. Тажрибалар натижасида бачадон жароҳатини ёпиш мақсадида бир қаватли Ламбер чоки ва хромланган кетгутни қўллаш операциядан сўнг асоратларни ривожланмаслигини ва етарлича мустаҳкам ва сифатли чандик ҳосил бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кашин А.С. «Закрытие послеоперационных ран брюшной стенки у животных», журнал «Ветеринария» № 4, 2001;
2. Медведова Л.В. «К вопросу применения однорядного кишечного шва. Новосибирск, 2004;
3. Трояновская Л.П. «Опыт применения нового шовного материала для ветеринарии». Тезисы международной конференции, 1995.